

Fidoyilik – Vatanga xizmat demak!

# Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

zarafshonbot

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 16-fevral, seshanba, 19 (23.455)-son

**Кун ҳикмати**

Камтарликка фақат ақлу фаросат билан эришиш мумкин

*Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА 2021 ЙИЛДА ДАВЛАТ КЎЧМАС МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ИЖАРА ТЎЛОВИНИНГ ЭНГ КАМ СТАВКАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги "Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 15-сон, 186-модда) қарорининг 3-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2021 йил 12 январдаги 01/04-19-70-сонли хати билан тақдим этилган Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Молия вазирликлари ўртасида келишилган 2021 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини инобатга олиб,* **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Қуйидагилар:

Самарқанд вилоятида 2021 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари 1-иловага;

ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.в.б (Б.Пайшанов)га:

давлат мулкини ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш;

ижарага берилган давлат мулкини ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторингини олиб бориш;

ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

ижара объектларидан мақсадли фойдаланилиши ва уларнинг сақланишини, шунингдек, ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш;

фойдаланилмаётган давлат мулки ижарага берилиши тўғрисидаги эълонларни ва ижарага берилаётган давлат мулклари рўйхатларини даврий нашрларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси ва Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг веб-сайтларига жойлаштирилишини таъминлаш топширилсин.

3. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.в.б (Б.Пайшанов), вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи (А.Инагамов), шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳудудларда ижара муносабатларини тартибга солиш, ижарага берилаётган давлат мулки ҳисоботини тўғри юритиш ва бюджетга қўшимча маблағларни жалб қилиш мақсадида давлат мулкини балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш самарадорлигини ошириш ва ташкиллаштиришда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйсин.

4. Вилоят ҳудудида 2021 йилда давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг «нол» ставкаси белгилансин.

5. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари - матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" давлат унитар корхонаси (А.Анваров) мазкур қарорнинг "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталарида эълон қилинишини ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида жойлаштирилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг 2020 йил 29 январдаги "Самарқанд вилоятида 2020 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 15-Қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўроқов зиммасига юклатилсин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

**Вилоят ҳокими** **Э.ТУРДИМОВ**

*2021 йил 12 февраль* *№18-Қ*

*(Қарор иловалари 3-саҳифада)*

# Имом Бухорий мажмуаси яна ҳам кўркам маскан бўлади

**Хабар берганимиздек, 11 февраль куни Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанднинг туризм салоҳиятини, шу жумладан зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича лойиҳалар билан танишган эди. Мазкур тақдимот чоғида ислом оламидаги энг муқаддас қадамжолардан бири – Имом Бухорий мажмуаси ва унинг атрофида амалга ошириладиган қурилиш-бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари ҳақида маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари ушбу зиёратгоҳда олиб борилиши режалаштирилган лойиҳа бўйича яна бир бор ўз тавсияларини билдириб, мутасаддиларга зарур топшириқлар берганди.**



13 февраль куни Имом Бухорий мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари, Республика Бош вазири ҳамда Ўзбекистон Мусулмонлари идораси, мутасадди вазирлик ва идоралар масъуллари, вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирокида лойиҳани амалга ошириш олдидан тадбир ўтказилди.

Қуръон тиловат қилиниб, қурбонлик амалга оширилди.

Лойиҳа юзасидан жамоатчиликка батафсил маълумот берилди.

– Давлатимиз раҳбарининг тавсиялари асосида такомиллаштирилган ушбу лойиҳа тасдиқланиб, амалга оширишга киришилмоқда, – деди Бош вазир А.Арипов. – Президентимизнинг топшириқларига кўра, лойиҳа ҳақида ҳудуд аҳолиси ва вилоят фаолларига маълумот бериш, хайрли ишни сизлар билан бамаслаҳат, яхши ниятлар қилиб бошлаш учун бу ерга келдик.

Таъкидланишича, мажмуадаги қурилиш-ободонлаштириш ишлари жараёнида Имом Бухорий мақбараси ҳозирги кўриниши сақланган ҳолда реконструкция қилинади. Шу пайтгача мақбара остидаги қабрни зиёрат қилиш учун етарли шароит мавжуд эмас эди. Янги лойиҳада қабр атрофини кенгайтириб зиёратчилар учун ҳар томонлама қулайлик яратиш кўзда тутилган.

Саккиз минг ўринли муҳташам масжид қурилади. Мажмуа атрофида тўртта улкан минора қад ростлайди. Халқимизга хос турмуш тарзидан келиб чиқиб, ҳозирги айвонларга қўшимча равишда ички ва ташқи айвонлар барпо этилади.

Маҳаллий ва хорижлик зиёратчиларга қулайлик яратиш мақсадида замонавий меҳмонхоналар, халқаро андазаларга тўла мос келадиган маиший хизмат ва санитария-гигиена шохобчалари қурилади.

Яна бир эътиборли томони, мажмуада қурилиш-бунёдкорлик ишлари жараёнида бу ердаги тарихий булоқ ва бир неча юз йиллик чинор дарахтларига зиён етказилмайди. Уларни асраб-авайлаш, ўз ҳолида сақлаш учун барча зарур чоралар кўрилади.

Мажмуада амалга ошириладиган қурилиш-бунёдкорлик ишлари махсус ташкил этилган жамғарма маблағлари ҳисобидан ташкил этилади.

Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов ва бошқа масъуллар мазкур муқаддас қадамжони нафақат халқимиз, балки дунё аҳли келиб зиёрат қиладиган масканга айлантиришга давлатимиз раҳбари доимий равишда алоҳида эътибор қаратаётганлигини таъкидлади.

– Кейинги йилларда юртимизда зиёрат туризми ривожланиб, мамлакатимиздаги муқаддас қадамжоларни келиб кўришни хоҳловчилар кўпайиб бормоқда, – дейди меҳнат фахрийси Салоҳиддин Бобомуродов. – Хусусан, буюк муҳаддис Имом Бухорий мангу ором топган масканни зиёрат қилишни орзу қилувчи миллионлаб мусулмонлар борки, буни улар ўзлари учун юксак шараф деб биладилар. Шунинг учун Президент Шавкат Мирзиёев бу мажмуани яна ҳам обод қилиш, кенгайтириш ва зиёратчаларга халқаро андазаларга мос шарт-шароит яратиш учун алоҳида эътибор қаратмоқда. Қадамжони реконструкция қилиш билан боғлиқ масала бир неча йилдан буён муҳокама қилиниб, ҳар томонлама пухта, мукаммал ишлаб чиқилганининг боиси шунда. Лойиҳа билан танишиб бунга ўзимиз ҳам амин бўлдик. Албатта, Самарқанд вилояти аҳли улуғ бобомиз қадамжоси яна ҳам кўркам масканга айланишини қўллаб-қувватлайди ва бу ишга ўз ҳиссамизни қўшишга тайёрмиз.

*Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЙИГИРМА УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

*"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан* **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг олтинчи чақириқ йигирма учинчи сессияси **2021 йил 19 февраль куни соат 10:00 да** чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ж.Ўроқовнинг "Камбағал оилаларни камбағалликдан чиқариш, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботи;

вилоят ҳокимининг туризм ва спортни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.Нуруллаевнинг "Самарқанд вилоятида туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги ҳисоботи;

Давлат активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи С.Махмарахимовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги "Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-6096-сонли Фармони ижроси юзасидан ҳисоботи;

Марказий банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи О.Тўхтаевнинг "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги ҳисоботи;

Пахтачи тумани ҳокими М.Ҳамдамовнинг "Ижтимоий ривожланиш даражасини баҳолашнинг рейтинг кўрсаткичларига кўра, туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирлар дастурининг ижроси тўғрисида"ги ҳисоботи;

бошқа масалалар.

**Вилоят ҳокими** **Э. ТУРДИМОВ**

*2021 йил 12 февраль* *№19-Қ*

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан**

# ҲУРРИЯТ ҚЎШИҒИ

## ёхуд истиқлолнинг нашъу намоси

**Бундай ўйлаб қарасам 83 ёшга кириб, 1000 ойлик умрим давомида ҳаётда кўп нарсани кўргандай бўламан. Болалигим машъум уруш йилларига тўғри келди. Урушдан ҳар куни қора хатлар келиб турар, ҳамма жойдаги каби Пайариқ туманидаги Чолмўйин қишлоғимизда ҳам йиғи-сиғи товушлари эшитилиб, бағримни эзарди...**

Урушдан кейинги ҳолат ҳам ҳамон кўз ўнгимдан кино лентасидай бирма-бир ўтади. Бутун мамлакат толиққан, халқлар оч-яланғоч кун кечирса-да, «Яшасин доҳиймиз Сталин» деган ҳамду саноларни деярли ҳар куни бир неча марта эшитиб турардик. Сталин вафотидан сўнг 1953 йилда ҳокимият тепасига Маленков келди.

*2-саҳифа* »»



# Суд статистикаси

## Ёки вилоят суди раисининг навбатдаги матбуот анжумани

**Вилоят суди раисининг матбуот анжуманидаги бу сафарги чиқиши лўнда ва ихчам бўлгани билан характерли. Негаки, барча рақамлар пресс-релиз орқали тарқатилди. Шундай бўлса-да, вилоят суди раиси эътибор қаратиш лозим бўлган масалаларга яна бир бор тўхталиб ўтди.**

Хусусан, 2020 йилда ҳам суд ишларини кўриб чиқишда сайёр суд мажлисларига алоҳида эътибор қаратилган. Кўриб чиқилган ишларнинг 40 фоиздан кўпроғи айни шу тартибдаги суд мажлисларида муҳокама қилинган.

- Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад биринчидан фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини оширишга қаратилган, - деди вилоят суди раиси Олим Ҳайитов. – Қолаверса, сайёр суд мажлислари орқали жамоатчилик назорати учун кенг имконият яратиш ва пировардида, судни ҳақиқий адолат қўрғонига айлантиришга эътибор қаратилмоқда.

### СУД ОЧИҚ ИНСТИТУТ, БИРОҚ...

Вилоят суди раиси, анжуманда иштирок этган ўринбосарлари ва маъмурий ишлар бўйича вилоят суди раиси Б.Диёров ҳам бу фикрни қайта-қайта такрорлади. Бу фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ. Зотан, суд раислари иштирокидаги мунтазам брифинг ва матбуот анжуманлари ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Аммо қарши фикрлар ҳар доим топилади: нима учун муайян иш, айниқса, кенг жамоатчилик ўртасида шов-шув бўлган ҳолат бўйича кўрилаётган суд мажлисида ҳукм ўқиш жараёни ҳақида олдиндан хабар берилмайди?

- Суд иши қачон ва қайси судда кўриб чиқилишини олдиндан айтиш мумкин, лекин ҳукмни қачон ўқиш бу суд жараёнида маълум бўлиши учун уни олдиндан айтиб бўлмайди, - деди О.Ҳайитов. – Қолаверса, суд мажлиси очиқ бўлгани билан уни ёритишга томонларнинг розилиги ҳам керак. Шунингдек, аппеляция бериш муддати якунланмаган иш бўйича чиқарилган қарорни эълон қилишга ваколатимиз йўқ.

### ҲОКИМЛИКЛАР ҚАЙСИ СОҲАДА КЎПРОҚ ХАТО ҚИЛЯПТИ?

Вилоят маъмурий суди раисининг ҳисоботида қайд этилишича, 2020 йилда ташкилотларга тааллуқли кўрилган ишлар орасида ҳокимликлар билан боғлиқлари кўпроқ учрайди.

Жумладан, адлия, ички ишлар, кадастр ва бошқа идораларга тегишли ишлар 100 тага ҳам етмайди. Бироқ ҳокимликлар фаолияти билан боғлиқ 685 та ишлар кўриб, тамомланган. Шундан 247 та даъво қаноатлантирилган.

Бу ҳокимлик фаолиятидан норози бўлиб ёзилган аксарият шикоятларнинг ноўрин бўлганлигини кўрсатади. Бироқ, кўриб чиқилган ишларда маҳаллий ҳокимликларнинг юзга яқин қарори ҳақиқий эмас, деб топилган.

- Фуқароларнинг шахсий масалалардаги мурожаати ҳокимликларда бюрократик тўсиқларга учраётганини кўришимиз мумкин, - дейди вилоят маъмурий суди раиси Б.Диёров. – Масалан, тегишли тартибда ер ажратилган участкасида 10-15 йилдан буён яшаб келаётган уй-жойи учун эгалик ҳуқуқи тасдиқланмаяпти. Ваҳоланки, барча асослар етарли бўлганда бундай қарор қабул қилиш мумкин.

### СТАТИСТИКА НИМАЛАРНИ "ГАПИРМОҚДА"?

Матбуот анжуманида имкон қадар саволларни очиқ қолдирмасликка ҳаракат қилингани эътиборли. Вилоят суди, маъмурий суд раиси, ўринбосарлар тизимда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда уларнинг кенг жамоатчилик учун афзалликлари хусусида ҳам атрофлича маълумот берди.

2020 йилда кўриб чиқилган ишлар бўйича таққослама жадвалда эса қайси тоифа ишлар кўпайгани ва камайгани акс этганди. Унга кўра, йил давомида жиноят ишлари бўйича судда баданга ўртача (18) ва енгил (38) шикаст етказиш билан боғлиқ ишлар 2019 йилга нисбатан кўпроқ кўрилган. Шунингдек, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш 50 тага, фирибгарлик 14 тага, солиқлар ёки мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш 16 тага, пора бериш (ЖК 211-моддаси) 12 тага, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар 44 тага кўпайган.

Шу билан бирга қасддан одам ўлдириш 15 тага, қасддан баданга оғир шикаст етказаш 11 тага, қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш 13 тага, ўзлаштириш ёки растарата қилиш йўли билан талон-тарож қилиш 56 тага, ўғрилик 54 тага камайган.

Матбуот анжумани давомида журналист ва блогерларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

**Ё.МАРҚАЕВ.**

## Футбол майдончасидаги ўзбошимчалик депутат ташаббуси билан тўхтатилди

### Самарқанд шаҳар ҳокимлиги масаланинг охирига етмасмикан?

**Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутатлигига "Миллий тикланиш" демократик партиясидан сайланган Дилфуза Равшановага Самарқанд шаҳрида-ги сайловчилари турли масалалар билан мурожаат қилади. Мурожаатлардан бири сайлов округи ҳудудидаги спорт мажмуаси ер майдонининг бир қисми ноқонуний эгаллаб олингани тўғрисида эди.**

Ўша куни депутат "Боғбонлар" маҳалласида аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида учрашув ўтказди. Учрашувда маҳалла ҳудудида турар жой ҳамда савдо дўконлари қурилиши натижасида футбол майдончаси йўқ бўлиб кетаётганлиги тўғрисида мурожаат қилинган.

Масалани батафсил ўрганиб чиқиш мақсадида депутат тегишли ташкилотлар чиқарган қарор, кадастр ҳужжатлари билан танишди. Футбол майдонига бориб, ҳолатни ўрганди.

Маълум бўлишича, маҳалланинг эгалик ҳуқуқи ҳақида 2003 йилда Темирйўл тумани ҳокими томонидан чиқарилган қарор бекор қилинмасдан, қуриб битказилмаган иншоотга 2011 йил бошқа бир кишининг номига кадастр ҳужжатлари тайёрланган. Ўз навбатида Самарқанд шаҳар ҳокимининг эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи қарори чиқарилган. Яъни, очиқ-ойдин қонунбузилиши юзага келган.

Негаки, ҳеч бир жойда ушбу ерда уй-жой мавжудлиги қайд қилинмаган. Ҳужжатларга кўра, фуқаролар ноқонуний эгаллаб олинган, деяётган ер майдони маҳалла, аниқроғи "Тип-I" спорт мажмуаси ҳудуди ҳисобланиши кўрсатилган.

Мазкур асосларга кўра, депутат Самарқанд шаҳар прокурорига депутат сўрови юборди. Прокурор протестига асосан, Самарқанд шаҳар ҳокимининг 2011 йилда чиқарилган уй-жойга эгалик ҳақидаги қарори бекор қилинган.

**"Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят Кенгаши.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** чала қурилган бино бузилиб, стадион ер майдони аввалги ҳолатига келдимикан?
Бу ҳақда Самарқанд шаҳар ҳокимлигининг жавобини кутамиз.

# Самарқанд ҳавоси ифлосланмаган(ми?)

### тажрибали эколог Тўрахон ҲАШИМОВ билан суҳбат

**Самарқанд об-ҳавосини фильтрлаб берадиган табиий жараён ҳамма жойда ҳам учрамайдиган ноёб бир ҳодиса сифатида баҳоланиши ростми? Паст Дарғомда қуёшдан келаётган ултирабинафша ёруғлик нурларидан ҳосил бўлган электр энергиясини етказиб берувчи қурилма қурилиши нега тўхтаб қолди? Экологлар кўпчилик ўйлагандай фақатгина дарахтларни кесаётганларни жаримага тортиш билан эмас, соҳага оид йирик ишларни ҳам амалга ошираётгани ҳақида биласизми?**



Хуллас, саволлар кўпайиб кетди... Лекин уларнинг жавоблари сиз кутганингиздан қизиқ ва муҳим эканлигини олдиндан айтиб қўйишни лозим топдим. Саволларга экология соҳасида узоқ йиллардан бери меҳнат қилаётган, шу соҳага оид қатор ҳуқуқий ҳужжатларга таклифлари киритилган фидойи инсон, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Тўрахон ҲАШИМОВ жавоб беради.

**- Узоқ йиллик мутахассис сифатида айтингчи, ўтган ўн йилларда соҳада нималар ўзгарди? Ўзгаришлар ижобий томонгами ёки аксинча?**

- Энди иш бошлаган йилларимиз, яъни ўтган асрнинг 90-йилларида соҳага оид бирор ҳуқуқий ҳужжат йўқ эди. 1992 йилда мустақил мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилишга оид илк қонун қабул қилинди. Шундан кейин соҳага оид ўнлаб ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Соҳа босқичма-босқич такомиллашиб бораверди.

2000 йилларга келиб, экологияда қоида бузганларга маъмурий жавобгарлик белгилаш соҳа мутасаддилари томонидан амалга оширила бошланди. Кейинги йилларда ижтимоий тармоқларнинг ривожланиши, қоидабузарликлар ҳақида маълумотлар ўз вақтида етказилиши натижасида экологияга етказилаётган зиён учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, экологик сертификатлаштиришнинг жорий этилиши ҳам катта янгилик бўлди. Ушбу йўналиш ишлаб чиқариш корхоналарининг экологик сертификацияси жараёнларини йўлга қўйишга олиб келди. Яъни корхона бир қатор мезонлар, хусусан, атмосферага белгиланган меъёрдан камроқ зарарли ташламаларни чиқариш, табиий хом ашёни ишлатиш, кам чиқитли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш каби қатор шартларига риоя қилган ҳолда ушбу сертификатга эга бўлади. Бундай сертификат эса табиийки, ишлаб чиқаришнинг табиатга зиёнинини йилдан-йилга камайтириб бормоқда.

**- Ушбу сертификат тадбиркорга бирор имтиёз ҳам берадими?**

-Маҳсулотини экспортга чиқармоқчи бўлган корхона учун бу жуда катта имтиёз. Сабаби, хорижда халқаро андазаларга жавоб берувчи ушбу сертификати бор ташкилот маҳсулоти албатта харидоргир бўлади. Экологияга кам зарар етказувчи технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш корхонага ҳам фойдалидир.

**- Лекин ундай технологиялар нархи ҳам анча баланд бўлади-да, шундайми?**

- Албатта. Аммо тадбиркор у ёки бу маҳсулот ишлаб чиқаришни режа қилар экан, ундан даромад олишни истайди. Хорижга ускуна сотиб олиш учун борган тадбиркор бир хил маҳсулотни бир хил сифат билан ишлаб чиқарувчи бир нечта ускуналардан арзонроғини, чўнтаги кўтарадиганни сотиб олади. Унга тақдим этилган (баъзида ҳатто тақдим этилмаган) ишлаб чиқариш ускуналари орасида анча қиммат, аммо маҳсулотни бир кунда ундан кўра ўн, ҳатто юз баравар кўпроқ ишлаб чиқарадиган ускуналар бўлади. Бу ҳам энергия тежовчи, ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали, ҳам экологияга анча кам зарар етказувчи технологиядир. Тадбиркор нисбатан арзонроқ ускуна билан иш бошлагач, маҳсулотини сотишга қийналиб қолади. Нега десангиз, ундай маҳсулот аллақачон хорижда, самарадорликка эга бўлган янги ускуна ёрдамида ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган бўлиб, таннархи анча арзон. Уни олиб келиб сотиш, маҳаллий тадбиркорнинг ишлаб чиқаришидан кўра арзонроққа тушади. Бундай ҳолатларни самарқандлик тадбиркорлар ҳам бир неча бор бошидан ўтказган.

**- Мавзуни яна бир ускуна, алтернатив энергия турларидан бири бўлган қуёш панеллари билан ўзгартирсак. Нега кейинги пайтларда экологик жиҳатдан хавфсиз, арзон электр манбаи, қуёш панеллари ҳақида фикр билдирилмаяпти? Қолаверса, Паст Дарғом туманида йирик, қуёш қуввати билан ишлайдиган станция қурилиши ишлари ҳам тўхтаб қолди.**

- Энергетика доим давлат назорат қиладиган соҳа бўлиб келган. Аммо кейинги йилларда бу соҳада ҳам ўзгаришлар рўй берди. Электр энергиясини давлат шериклигида ишлаб чиқаришга рухсат берилди. Натижада ўтган йил вилоятда 5 та мини ГЭС қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ишлар давом этмоқда. Юртимизнинг қуёшли об-ҳавоси туфайли қуёш панеллари арзон, хавфсиз электр энергияси олишнинг энг мақбул усулларидан биридир. Паст Дарғом тумани ҳудудида 405 гектар майдонда ташкил этилиши белгиланган қуёш нури асосида электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган мажмуада айни пайтда 6,5 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилган. Аммо Хитойдан келтирилиши мўлжалланган, қуёш энергиясини ишлаб чиқарувчи ускуна юқорида таъкидлаганимдек, баъзи параметрлари бўйича сўнгги русумдаги муқобил ускуналардан пастроқ кўрсаткичда эканлиги аниқланди. Шунинг учун эндиликда бу соҳадаги замонавий технологияни киритиш мақсадида ишлар тугалланиши белгиланган вақтдан ўтиб кетди. Каттақўрғон туманида ҳам шу каби, аммо 200 миллион кВт энергия ишлаб чиқарувчи қуёш панеллари қурилиши режалаштирилган.

Умуман, энергетика соҳаси айни кунларда чуқур таҳлилга, аниқ статистик маълумотларга жуда муҳтож. Дейлик, бир вилоятнинг энергия соҳасида эҳтиёжи қанча? Қанчаси ўзимизда ишлаб чиқарилади-ю, қанчаси бошқа вилоят орқали келади, прогноз кўрсатгичлар қанчани ташкил қилади, каби саволларга жавоб топиш, қолаверса, юқорида таъкидланганидек, ижтимоий шериклик асосида алтернатив энергия турларидан қуёш, шамол, гидростанциялар, биоэнергиялар ёрдамида энергия ишлаб чиқаришни ривожлантириш соҳадаги муаммоларни анча енгиллатган бўларди.

**- Экология соҳаси ходимлари томонидан атмосферамизнинг нечоғлик мусаффо эканлиги ҳам назорат қилиб бориладими?**

- Албатта. Шаҳар ва туманларда махсус кузатув пунктлар мавжуд бўлиб, қатор ташкилотлар ҳамкорлигида атмосферадаги зарарли моддаларнинг миқдори доимий равишда ўлчаб борилади.

**- Сир бўлмаса айтингчи, Самарқанд ҳавоси нечоғлик ифлосланган?**

- Сир эмас ва айтишим мумкинки, кейинги йигирма йил ичида Самарқандда зарарли чиқитларнинг атмосферадаги миқдори белгиланган меъёрлардан ошиб кетиш ҳолати кузатилмаган.

**- Наҳотки?!**

- Ҳайрон қолишингиз табиий. Аммо бу рост. Тўғри, шаҳардаги маълум бир ҳудудларда, мисол учун Самарқанд шаҳрининг Кимёгарлар ва Фарҳод қўрғони каби ҳудудларида бундан 4-5 йил аввал атмосферага чиқарилаётган чиқиндилар миқдори катта бўлган. Аммо бу ҳам маълум ҳудудлар эвазига бутун вилоятнинг атмосфераси ҳақида хулоса беришга имкон бермайди. Қолаверса, айни кунларда ушбу ҳудудлардаги саноат корхоналари замонавий, инновацион технологиялар ускуналарини келтириш ва юқори самарадорликка эга бўлган чанг-газ тозалаш фильтрларини ўрнатиш эвазига атмосферага зарарли ташламаларни чиқариш ҳолатлари сезиларли камайган.

Биласизми, Самарқанднинг иқлимига тўхталадиган бўлсак, бу ерда азалдан ўзига хос тарзда ҳавони табиий фильтрлаш жараёни мавжудлиги кишини ҳайратга солади. Шаҳарда шамол жануби-ғарбий йўналиш билан ҳаракатланиб, ҳавони ўзига хос тарзда тозалайди.

**-Узоқ йиллик эколог сифатида бугун сизни қувонтирадиган ва ташвишга қўядиган ҳолатлар нималардан иборат?**

- Қувонтиргани, соҳага эътибор кучайгани, у нималарда кўринаётгани ҳақида юқорида таъкидлаб ўтдим. Экологияга оид қатор ҳуқуқий ҳужжатларга берилган таклифларим доим инобатга олиб келинаётгани мутахассис сифатида мени қувонтиради. Хусусан, Ўзбекистонда биринчи Экологик кодекс ишлаб чиқилиши бўйича таклифларимиз ҳам инобатга олиниб, яқинда уни қабул қилиш арафасида турибмиз. Аммо бошқа соҳа ходимлари сингари экологлар учун хизмат кўрсатган эколог унвони ва давлат мукофотлари йўқлиги бироз ташвишга солади. Ахир, бу соҳада ҳам ўз ишининг фидойилари талайгина. Ҳозир жамоатчилик асосида меҳнат қилаётган инспекторлар қатлами пайдо бўляпти. Ҳеч қаердан маош олмайдиган, фаол, фидойи экологларимиз бор. Уларни ҳам рағбатлантириб бориш керак, деб ўйлайман.

**- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

**Гулруҳ МЎМИНОВА суҳбатлашди.**

# ҲУРРИЯТ ҚЎШИҒИ

### ёхуд истиқлолнинг нашъу намоси



*(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).*

Кўп ўтмай марказком биринчи котиби Хурщчев шахсга сиғиниш масаласини партия ХХ съездига олиб чиқиб, Сталин сафдошларини ҳокимиятдан четлаштиришга эришди ва ўзи хон бўлиб олди. Сўнгра Брежнев Хрушчевнинг «ковушини» тўғрилаб қўйди ва кўп йиллар орден устига орден тақиб ҳокимият тепасида турди. Навбат Андропов ва Черненкога келди. Улар касаллиги туфайли ҳокимиятни узоқ бошқаролмади, дунёдан ўтишди. Шундан кейин мамлакатни турғунликдан чиқариш учун қайта қуриш деган сафсата тўқиб чиқарилди. Марказкомнинг Бош котиби Горбачёвнинг бу ҳаракати кўкка учиб СССРнинг парчаланиши билан тугади.

Мен бу воқеаларни нега эсладим?

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида СССРнинг тутдай тўкилиши халқларни қизил империя чангалидан холос этди. Коммунистик ғоянинг сохталиги бутун дунёга маълум бўлди-қолди.

Ўзбек халқининг мард ва жасур фарзанди Ислом Каримов йўлбошчилигида Ўзбекистон ҳам «олтин қафас»дан қутулиб чиқди. Бу – қарийб 150 йил мобайнида мустамлакачилик азобини чекиб келган халқимиз учун жуда катта озодлик эди.

Мустақиллик халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун беқиёс имкониятлар яратганлиги билан қадрлидир.

«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб номланган жорий йилнинг мана шу шукуҳли дамларида ҳар биримиз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини, истиқлолнинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрнини, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётимизда, онгу шууримизда оламшумул ўзгаришларнинг асоси бўлганлигини теран англаяпмиз.

Ҳа, истиқлолнинг ўтган даврида қандай ютуқ ва марраларга эришган бўлсак, буларнинг ижодкори ва бунёдкори шубҳасиз она халқимиздир. Бугун халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, одамларимизда даҳлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларга ишончи мустаҳкамланиб бормоқда.

Эркин ва озод юрт бағрида камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этиб, ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиши учун улкан ишлар амалга оширилаётир.

Айнан тинчлик аталмиш буюк неъмат сабабли мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган, бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислоҳотлар самаралар бермоқда. Чет эл инвестицияларини жалб қилган ҳолда янги саноат корхоналари қурилмоқда. Юрт қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Таълим, тиббиёт, маданият, спорт иншоотлари барпо этилмоқда. Бугун кишилар замонавий янги лойиҳалар асосида бунёд этилаётган кўркам турар жойларда истиқомат қилишмоқда.

Мустақиллик йилларида инсон ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун хизмат қилиши керак деган ғояларни тўла рўёбга чиқариш йўлида барча зарур шароитлар яратилди. Бугун Ўзбекистонда эришилган улкан натижалар негизида турган асосий омил – инсондир.

Бугун жаҳон миқёсида юртимиз ҳақида сўз кетганда «Янги Ўзбекистон» ибораси тез-тез тилга олиниб, Ўзбекистонда янги бир уйғониш – учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилаётгани ҳам шубҳасиз мустақиллигимиз мевасидир.

Ҳа, истиқлол туфайли ўз тилимизда гапирадиган ва ёзадиган бўлдик. Дину эътиқодимиз, қадриятларимиз қайтиб келди. Боболаримизнинг номини тиклаб, улар билан фахрланадиган бўлдик. Биз, ижодкорлар ҳам эркин гапириб, ўз фикримизни бемалол баён қиляпмиз. Ахир ўз элига, ўз ерига эга бўлишдан ҳам катта бахт бормикан инсон учун бу дунёда?

**Облоқул УСМОНҚУЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

# Томчилатиб суғориш ҳосилдорликни қанчалик оширади?

**2021 йил вилоятимизда 20 минг 162 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш режалаштирилган. Шундан 13 минг 269 гектар пахта, 2 минг 861 гектар боғ ва 3 минг 649 гектар токзорларда сув тежовчи инновацион технологиялардан фойдаланилади.**

Жумладан, жорий йилда Каттақўрғон туманида 7 минг 979 гектар, Пайариқ туманида 2 минг 355 гектар Паст Дарғомда 1 минг 433 гектар ер майдонида сув тежовчи технологиялар ўрнатилиши белгиланди.



Инспекциянинг вилоят бошқармаси ва туманлар бўлимлари томонидан сув тежовчи технологияларни жорий этиш учун белгиланган лойиҳалар ижроси юзасидан кунлик мониторинг-таҳлил тадбирлари ўтказилмоқда.

Сув тежовчи ускуналар жорий этиш ҳар гектар ер ҳисобига сувни 40-45 фоизга тежаш имконини бериши билан бирга ҳосилдорликни 15-20 центнерга оширади. Биргина Иштихон туманидаги "Maroqand Sifat Texstil" масъулияти чекланган жамияти кластер корхонаси бир неча йилдан буён пахта хомашёси етиштиришда сув тежовчи ускуналардан фойдаланиб келмоқда. Натижа ёмон эмас. Инновацион технологиялар амалиётга татбиқ этилгандан сўнг бир вақтлар 15-20 центнердан пахта хомашёси етиштирилган ҳудудларда 2020 йилда 40-45 центнер ҳосил олинди. Ҳар гектар ердан одатий усулда суғоришга нисбатан 40-45 фоиз сув тежашга эришилди. Яна бир афзаллиги ишлов бериш, культивация қилиш камаяди. Минерал ва маҳаллий ўғитлар айнан ўсимлик илдизига юборилади ва бу ҳосилдорликнинг ошишига хизмат қилади. Жорий йилда кластер корхонаси томонидан 430 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилиши режалаштирилган.

2020 йилда вилоят бўйича жами 4 минг 788 гектар, шундан 2 минг 200 гектар пахта майдони, 1 минг 616 гектар боғда томчилатиб ва тупроқ остидан суғориш технологиялари жорий этилди.

Соҳада амалиётга татбиқ этиладиган яна бир инновация – кластер корхоналари ва фермер хўжаликлари ер майдонларини лазер ёрдамида текислашдир. Бу орқали сув сарфини 20-25 фоиз, ўғитни 15 фоиз тежаш, ҳосилдорликни камида 10 фоиз ошириш мумкин. Шу мақсадда жорий йилда вилоятимизда 9,8 минг гектар майдонда лазерли ускуна ёрдамида текислаш ишлари олиб борилади.

**Нурмамат ТУРСУНОВ,**
**"Ўзагроинспекция"нинг вилоят бошқармаси бошлиғи.**



## Пахтачидаги корхона кунига 200 тагача кийим тайёрлаяпти

**Маҳаллий хомашё, сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулот. Бу тамойиллар бугунги бозорнинг асосий талабларидан ҳисобланади.**

Пахтачи тумани Шамсназар маҳалласида фаолият бошлаган "ZARAFSHON ISTIQLOL" корхонасида шу тамойиллар асосида жинси матодан кийимлар тайёрланмоқда.

- Маҳалла ҳудудидаги икки қаватли фойдаланилмай турган бинони олиб, таъмирлаб, ишни бошладик, - дейди тадбиркор Парвиз Абдуллаев. - Корхонамизда 30 та иш ўрни яратдик ва асосан маҳаллий ёшлар ишлаяпти. Кунига ўртача 180-200 тагача кийим тайёрлаяпмиз. Кейинги босқичда корхона фаолияти ва маҳсулот турини кўпайтиришни режалаштиряпмиз.

**Иззатилла НОРҚУВВАТОВ.**

## ҚАЙСИ ТОВАРЛАР УЧУН АКЦИЗ СОЛИҒИ ОЛИНАДИ?

Президентимизнинг 2020 йил 30 декабрдаги "2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкалари бекор қилинди;

- Солиқ кодексига асосан фақатгина тамаки, алкоголь, мобил алоқа хизматлари ва нефть маҳсулотларига доир акциз солиқ ставкалари сақланиб қолинди.

**Вилоят божхона бошқармаси ахборот хизмати.**

*Вилоят ҳокимининг 2021 йил 12 февралдаги 18-Қ сонли қарорига 1-илова*

# Самарқанд вилоятида 2021 йилда давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари

*(бир йилга умумий фойдаланиш майдонининг 1 кв.м учун)*

| Т/р | Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсади | 1 кв.м майдони учун йиллик энг кам ижара тўлови ставкалари (сўмда) | |
|---|---|---|---|
| | | Самарқанд шаҳри учун | Туманлар ва шаҳарлар учун |
| | **Саноат** | | |
| 1 | Ёқилғи ишлаб чиқариш | 7 600 | 6 100 |
| 2 | Кимёвий ишлаб чиқариш | 7 600 | 6 100 |
| 3 | Нефть-кимё саноати | 7 600 | 6 100 |
| 4 | Машинасозлик | 7 600 | 6 100 |
| 5 | Машинасозлик ва асбобсозлик саноати | 7 600 | 6 100 |
| 6 | Ҳисоблаш техникаларини ишлаб чиқариш | 7 600 | 5 000 |
| 7 | Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги | 6 200 | 5 000 |
| 8 | Қурилиш, йўл ва коммунал муҳандислик | 6 200 | 5 000 |
| 9 | Енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда маиший анжомлар саноати | 6 200 | 5 000 |
| 10 | Санитария, газ ускуналари ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш | 7 600 | 6 100 |
| 11 | Металл конструкциялар ва маҳсулотлар саноати (токарлик хизмати) | 7 600 | 6 100 |
| 12 | Машина ва ускуналарни таъмирлаш | 7 600 | 6 100 |
| 13 | Машинасозликнинг бошқа тармоқлари | 7 600 | 6 100 |
| | **Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноати** | | |
| 14 | Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати | 7 600 | 6 100 |
| 15 | Ёғочни қайта ишлаш саноати | 7 600 | 6 100 |
| 16 | Целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари саноати | 7 600 | 6 100 |
| 17 | Дераза ва эшиклар, мебель ишлаб чиқариш саноати (ёғочдан) | 22 700 | 18 500 |
| 18 | Қурилиш материаллари саноати | 7 600 | 6 100 |
| | **Енгил саноат** | | |
| 19 | Тўқимачилик саноати | 7 600 | 6 100 |
| 20 | Тикувчилик саноати | 7600 | 6 100 |
| 21 | Чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари саноати | 7 600 | 6 100 |
| 22 | Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш турлари | 7 600 | 6 100 |
| | **Озиқ-овқат саноати** | | |
| 23 | Озиқ-овқат саноати (балиқ, гўшт, ёғ-пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари) | 7 600 | 6 100 |
| 24 | Гўшт ва сут маҳсулотлари саноати | 7 600 | 6 100 |
| 25 | Балиқ маҳсулотлари саноати | 7 600 | 6 100 |
| 26 | Тегирмончилик саноати | 7 600 | 6 100 |
| 27 | Комбикорм (омухта ем) саноати | 6 200 | 5 000 |
| 28 | Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари | 7 600 | 6 100 |
| | **Саноатнинг бошқа соҳалари** | | |
| 29 | Тиббиёт саноати | 7 600 | 6 100 |
| 30 | Полиграфия саноати | 21 200 | 17 400 |
| 31 | Кийимларни ва газламадан тайёрланган буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва матоларни қайта ишлаш | 9 200 | 7 400 |
| 32 | Саноатни хўжалик бошқаруви | 21 200 | 17 400 |
| | **Қишлоқ хўжалиги** | | |
| 33 | Ўсимликшунослик ( шу жумладан, иссиқхона хўжалиги) 1 гектар ер майдони учун | 3 023 500 | 2 469 000 |
| 34 | Чорвачилик ва паррандачилик | 3 600 | 3 000 |
| 35 | Балиқчилик (шу жумладан, сунъий майдон) 1 гектар учун | 3 023 500 | 2 469 000 |
| 36 | Асаларичилик 1 гектар ер майдони учун | 1 965 600 | 1 605 000 |
| 37 | Ветеринария хизматлари | 7 600 | 6 100 |
| 38 | Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар | 7 600 | 6 100 |
| 39 | Ўрмон хўжалиги ( шу жумладан, боғлар) 1 гектар ер майдони учун | 3 023 500 | 2 469 000 |
| | **Транспорт ва алоқа** | | |
| 40 | Ер устида ҳаракатланувчи умумфойдаланишдаги темир йўл транспорти | 7 600 | 6 100 |
| 41 | Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж) | 7 600 | 6 100 |
| 42 | Транспорт инфратузилмалари (жарима майдонлари) | 1 900 | 1 600 |
| 43 | Автомобилларни ювиш | 24 300 | 17 500 |
| 44 | Автомобилларга ёнилғи қуйиш | 24 300 | 22 500 |
| 45 | Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари | 13 600 | 11 300 |
| 46 | Почта алоқаси | 7 600 | 6 100 |
| 47 | Курьерлик алоқаси | 15 100 | 12 300 |
| 48 | Электр-симли алоқа | 15 100 | 12 300 |
| 49 | Радио, уяли ва пейджер алоқаси (иншоотларни ҳисобга олган ҳолда ҳудуд доирасида) | 63 600 | 51 900 |
| | **Қурилиш** | | |
| 50 | Қурилиш | 7 600 | 6 100 |
| 51 | Лойиҳа, лойиҳа-қидирув ташкилотлари | 7 600 | 6 100 |
| 52 | Пластик дераза ва эшиклар ишлаб чиқариш | 44 600 | 29 200 |
| | **Савдо ва умумий овқатланиш** | | |
| 53 | Улгуржи савдо | 21 200 | 17 400 |
| 54 | Маҳсулотларни (хизматларни) қисмлаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо бозорларидаги савдо дўконлари | 54 400 | 44 400 |
| 55 | Чакана савдо | 21 200 | 17 400 |
| 56 | Умумий овқатланиш | 21 200 | 17 400 |
| 57 | Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд) | 33 200 | 25 000 |
| 58 | Китоб дўконлари | 3 000 | 2 500 |
| 59 | Маданий-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини ижарага бериш жойлари | 21 200 | 17 400 |
| 60 | Халқ хўжалиги савдо-харид маҳсулотлари даллоллик хизматлари | 33 200 | 27 100 |
| 61 | Моддий-техника таъминоти ва етказиб бериш | 21 200 | 17 400 |
| 62 | Маълумот-ҳисоблаш хизматлари | 21 200 | 17 400 |
| 63 | Интернет ва компьютер тармоқлари орқали хизмат кўрсатиш | 21 200 | 17 400 |
| 64 | Кўчмас мулклар билан боғлиқ муносабатлар | 21 200 | 17 400 |
| 65 | Реклама, кўргазмалар хизматлари | 21 200 | 17 400 |
| 66 | Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича маслаҳатхоналар | 21 200 | 17 400 |
| 67 | Геология ва табиий бойликларни қидириш, геодезия ва гидрометереология хизматлари | 37 800 | 30 800 |
| 68 | Таҳририят ва нашриётлар | 12 200 | 9 900 |
| 69 | Металлолом ва иккиламчи қоғоз (латта) маҳсулотларини тўплаш жойлари | 12 200 | 9 900 |
| 70 | Турар жой-коммунал хўжаликлари | 12 200 | 9 900 |
| 71 | Меҳмонхона хўжалиги | 24 200 | 19 800 |
| 72 | Умумий яшаш жойлари | 18 900 | 15 000 |
| 73 | Маиший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари | 12 200 | 9 900 |
| 74 | Сартарошхона, фотосалон, модалар ательеси, пойабзалларни таъмирлаш устахонаси | 18 200 | 15 000 |
| 75 | Ломбардлар | 27 400 | 22 400 |
| 76 | Ҳаммомлар | 36 600 | 29 800 |
| 77 | Сауналар ва бассейнлар | 72 600 | 59 400 |
| | **Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот** | | |
| 78 | Соғлиқни сақлаш | 15 100 | 12 300 |
| 79 | Сайёҳлик ва дам олишни ташкил этиш | 15 100 | 12 300 |
| 80 | Фитобар | 10 500 | 8 500 |
| 81 | Маданий кўнгилочар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар) | 24 200 | 19 800 |
| 82 | Жисмоний тарбия ва спорт | 7 600 | 6 100 |
| 83 | Дорихоналар | 12 200 | 9 900 |
| 84 | Оптика, тиббиёт анжомлари ва жиҳозлар савдо дўконлари | 25 500 | 15 700 |
| 85 | Ижтимоий дорихоналар | 10 800 | 8 000 |
| | **Таълим** | | |
| 86 | Олий ва ўрта-махсус таълими маълумотли кадрларни тайёрлаш (ўқув курслари билан) | 12 200 | 9 900 |
| 87 | Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш | 9 500 | 8 100 |
| 88 | Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун) | 6 200 | 5 000 |
| 89 | Ўқув муассасаларида умумий овқатланиш | 7 600 | 6 100 |
| 90 | Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун) | 5 400 | 4 600 |
| 91 | Маданият ва санъат | 21 200 | 17 400 |
| 92 | Кўргазмалар | 16 300 | 14 000 |
| 93 | Мактабдан ташқари тарбия | 6 200 | 5 000 |
| 94 | Маданият ва дам олиш боғлари | 15 100 | 12 300 |
| 95 | Ботаника боғлари ва зоопарклар | 15 100 | 12 300 |
| 96 | Телевидениелар ва радиоэшиттиришлар редакциялари | 15 100 | 12 300 |
| 97 | Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари | 24 200 | 20 000 |
| 98 | Фан ва илмий хизматлар кўрсатиш | 9 200 | 7 400 |
| 99 | Автомактаблар | 13 500 | 8 800 |
| | **Молия-кредит фаолияти** | | |
| 100 | Молия, кредит ва пенсия таъминоти (суғурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари) | 21 200 | 17 400 |
| 101 | Аудиторлик фаолияти | 21 200 | 16 300 |
| 102 | Банк фаолияти | 21 200 | 17 400 |
| | **Фаолиятнинг бошқа турлари** | | |
| 103 | Суғурта ва нотариал хизматлар | 21 200 | 17 400 |
| 104 | Суд ва юридик хизмат муассасалари | 18 200 | 15 000 |
| 105 | Адвокатлар коллегияси ва юридик маслаҳатхоналар | 18 200 | 15 000 |
| 106 | Жамоатчилик бирлашмалари | 6 200 | 4 900 |
| 107 | Омборхоналар | 21 200 | 17 400 |
| 108 | Давлат ташкилотларига офис | 9 200 | 7 400 |
| 109 | Хусусий ташкилотларга офис | 33 200 | 27 100 |
| 110 | Архив хизмати | 9 200 | 6 300 |
| 111 | Енгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш (шу жумладан, вулканизация) | 24 200 | 19 800 |
| 112 | Лабораториялар | 15 100 | 12 300 |
| 113 | Турли хизмат турлари тўловлари (пайнет) | 60 800 | 49 500 |
| 114 | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган савдо дўконлари | 33 200 | 27 100 |
| 115 | Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган умумий овқатланиш шохобчалари | 29 000 | 23 800 |
| 116 | Авиакассалар (шу жумладан, темир йўл, автотранспорт ва бошқалар) | 33 200 | 27 100 |
| 117 | Банкоматлар | 303 000 | 247 400 |
| 118 | Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 21 200 | 15 000 |

**Изоҳ:** *- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йиғилиш баёнининг (30.06.2009й. №7/10-41) 11-бандига мувофиқ, Қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида фаолият юритаётган мулкчилик шаклидан қатъий назар дорихона муассасаларига давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси қўлланилади.*

*- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилдаги №02/1-74-сон топшириғига асосан ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисмлар ва муассасалар ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг савдо бошқармаси таркибий бўлинмалари учун кўчмас давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг "нол" ставкаси қўлланилади.*

*- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2017 йилдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги 834-сон қарорига мувофиқ, давлат мулки, шу жумладан, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудида жойлашган давлат мулки объектлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг шаҳар ва туман кенгашлари тавсияномасига асосан 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара тўловининг "нол" ставкаси асосида берилади.*

*- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.08.2017 йилдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тавсиясига асосан Олимпия ўйинлари ғолиблари ва совриндорларига хусусий спорт муассасаларини ташкил этиш учун давлат мулки, шу жумладан аҳоли кам жойлашган ҳудудлардаги ер майдонлари ижара тўловининг "нол" ставкаси асосида ажратилади.*

*- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2018 йилдаги 609-20-сонли топшириғига асосан, келгусида Мудофаа вазирлиги томонидан вазирлик тизимидаги ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик, ўзини ўзи таъминлаш ва молиялаштириш тамойиллари асосида амалга ошириладиган давлат унитар корхоналарига, шунингдек, вазирликнинг бошқа таркибий бўлинмаларига бинолар, иншоотлар, жойлар, асбоб-ускуналар, мебеллар ва бошқа мол-мулкни ижара шартномаси асосида вақтинчалик фойдаланишга беришда бинолар, иншоотлар, жойлар, асбоб-ускуналар, мебеллар ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг «нол» ставкаси белгиланади.*

*Вилоят ҳокимининг 2021 йил 12 февралдаги 18-Қ сонли қарорига 2-илова*

## Ижара тўлови ставкаларига қўлланиладиган коэффициентлар

| Т/р | Ҳудудлар номи | Зоналар | Коэффициент |
|---|---|---|---|
| | **Ҳудудий зоналар коэффициенти – (Кз)** | | |
| 1 | Самарқанд шаҳри | 1 | 3 |
| 2 | Фарҳод шаҳарчаси<br>Кимёгарлар шаҳарчаси<br>Сўлим шаҳарчаси (Хишрав МФЙ) | 2 | 2 |
| 3 | Каттақўрғон шаҳри | 3 | 2 |
| 4 | Туман марказлари | 3 | 2 |
| 5 | Туман қишлоқлари | 4 | 1,5 |
| | **Бинонинг қурилиш тури бўйича коэффициенти – (Кк)** | | |
| 2.1 | Алоҳида турган бино | | 1,5 |
| 2.2 | Бинога тақаб қурилган | | 1,4 |
| 2.3 | Бинонинг устки қисми, чердак, болахона | | 0,9 |
| 2.4 | Ярим ертўла, ертўла | | 0,7 |
| 2.5 | Бетонлаштирилган (асфальтланган) иншоотлар | | 0,8 |
| | **Туташиб кетган ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (Кк)** | | |
| 3.1 | Ер майдони мавжуд бўлганда | | 0,8 |
| | **Тижорат мақсадида фойдаланишда қулайлик коэффициенти – (Ко)** | | |
| 4.1 | Асосий қатнов йўлларида жойлашганда | | 0,6 |
| 4.2 | Иккинчи даражали транспорт қатнови йўлларида жойлашганда | | 0,5 |

**Изоҳ:** *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарори билан тасдиқланган низомнинг 10-бандига мувофиқ, мол-мулкнинг бошқа турлари учун ижара тўлови ставкасини ҳисоблашда, агар ижарага топширилаётган мулкдан амалда фойдаланилган муддат, ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлмаса ёки ушбу муддатда тенг бўлса, ёки амалда фойдаланилган муддатни аниқлаш мумкин бўлса – ижара тўлови ставкаси мол-мулк тикланиш қийматининг 30 фоизидан, агар ижарага топширилаётган мол-мулкдан амалда фойдаланилган муддат ундан самарали фойдаланиш муддатидан ортиқ бўлса – ижара тўлови ставкаси мол-мулк тикланиш қийматининг 20 фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.*

**REKLAMA, E'LONLAR, BILDIRISHLAR / Gazetamiz haftada uch marta - seshanba, payshanba va shanba kunlari chop etiladi / Gazetada chop etilayotgan reklama va e'lonlar tezkor, samarali va hamyonbop / MUROJAAT UCHUN TELEFON: 66-233-91-56**

*Самарқанд давлат тиббиёт институти педиатрия факультети ички касалликлар кафедраси*

## ОЧИҚ МАЪРУЗАЛАР ЎТКАЗАДИ

**1-МАВЗУ:** "Acute coronary syndrome. Myocardial infarction";

**Маърузачи PhD доцент:** Бабамурадова З.Б.;

**Экспертлар:** 3-ички касалликлар ва эндокринология кафедраси мудири т.ф.д., профессор Шодикулова Г.З. ҳамда РШТЁИМ СФ 1-шошилинч терапия бўлими мудири Рофеев М.Ш;

**Сана:** 18.02.2021 йил соат 8:30 да;

Ўтказиш жойи: СамДТИ педиатрия факультети ички касалликлар кафедраси маърузалар зали;

**Таклиф қилинганлар:** MBBS (хорижий) факультет II, III, IV курс гуруҳлар талабалари, ички касалликлар кафедралари, деканат ходимлари, клиник ординаторлар ва магистрлар.

**2-МАВЗУ:** "Пневмонии. Этиология, патогенез, клиника, диагностика. Современные методы лечения и профилактика";

**Маърузачи т.ф.н. доцент:** Ишанкулова Д.К.;

**Экспертлар:** 2-ички касалликлар кафедраси мудири т.ф.д., доц. Ташкенбаева. Э.Н. ва педиатрия факультети ички касалликлар кафедраси мудири, PhD доцент Бабамурадова З.Б.

**Сана:** 20.02.2021 йил соат 8:30 да;

Ўтказиш жойи: СамДТИ педиатрия факультети ички касалликлар кафедраси маърузалар зали;

**Таклиф қилинганлар:** педиатрия факультети III курс гуруҳлар талабалари, ички касалликлар кафедралари, деканат ходимлари, клиник ординаторлар ва магистрлар.

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАР ВА ҲИСОБЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**"1-КВ shakli йиллик"** микрофирма ва кичик корхонанинг 2020 йил учун йиллик статистик ҳисоботини (тегишли иловалари билан) **2021 йил 26 февралдан кечиктирмай**, хато ва камчиликларсиз **(www.samstat.uz) "eStat3.0"** тизими орқали электрон кўринишда тақдим этишлари шартлигини эслатамиз.

**Ҳурматли тадбиркорлар**, ҳисоботни ўз вақтида жўнатишни унутманг. Сизга яратилган имкониятдан фойдаланинг, вақтингизни қадрланг.

**Электрон ҳисобот қулай, тезкор ва самарали.**

**Мурожаат учун телефонлар: (66) 235-45-90, 235-42-95, 231-12-58, 230-45-27, 230-45-44.**

**ВИЛОЯТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ МАЪМУРИЯТИ.**

### ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИНГ!

Иштихон туман ҳокимлиги қайта ташкил этиш комиссияси тумандаги «Қайчили механизатори» ММТП ҳудудидаги туман захираси ҳисобида бўлган 332, 353, 351, 340, 337, 338, 309, 311, 312-рақамли контурлардаги жами 61,3 га. ер майдони ғаллачилик ва сабзавотчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун танлов ўтказилишини маълум қилади.

Аризалар газетада эълон чоп этилгач, ўн кун мобайнида қабул қилинади. Танловга оид барча масалалар юзасидан туман қайта ташкил этиш комиссиясига мурожаат этишингиз мумкин.

**Манзил: Иштихон тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими биносининг 2-қавати. Телефон 66-629-25-45.**

* * *

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Ургут туманидаги «URGUT AGRO PLATINUM» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 306453262) «URGUT AGRO-VET SERVIS» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонасига (СТИР: 303174708) қўшилмоқда. «URGUT AGRO-VET SERVIS» масъулияти чекланган жамият қўшма корхонаси «URGUT AGRO PLATINUM» масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдириладиган барча эътирозлар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Ургут шаҳарчаси Дўстлик маҳалласи, Почвон кўчаси, 22-уй.**

* * *

Самарқанд туманидаги «SHANS PLUS AKMAL» масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 301364836) ўз устав фондини 210 457 303 (икки юз ўн миллион тўрт юз эллик етти минг уч юз уч) сўмдан 49 502 000 (қирқ тўққиз миллион беш юз икки минг) сўмга камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдириладиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Р.Амонуллаев кўчаси 9- уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасида марҳум Зуфарова Сафияга (2012 йил 18 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Норқулов Алишер Тошболтаевич нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абу Райҳон Беруний кўчаси, 12-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасида марҳум Раджабов Мурадга (1999 йил 25 августда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Умаров Акмалжон Шавкатович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 52-уй.**

* * *

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Маматов Мамаражаб Худайкуловичга (2020 йил 12 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нурқосимов Жамшид Сайфиддинович нотариал идорасида марҳум Ибрагимов Мусага (1998 йил 3 апрелда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нурқосимов Жамшид Сайфиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Гарм кўчаси.**

**Телефон: 91-319-00-87.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасида марҳум Зоҳидов Абдураҳмон Эргашевичга (2016 йил 27 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Нарзуллаева Лола Шукуруллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.**

* * *

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасида марҳум Махмадиёров Хуррам Дулановичга (2019 йил 19 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аҳмедова Фарангиз Асламовна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 80-уй.**

* * *

### БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд туманидаги (ҳозирги Самарқанд шаҳридаги) 47-умумий ўрта таълим мактабидан 2007 йилда Шарофова Зулайхо Аъламовна номига берилган U № 2492380 рақамли умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Тойлоқ агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежидан 2020 йилда Комилов Шероз Содиқ ўғли номига берилган рўйхат рақами 191, К № 5885211 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан Гафуров Абдувосига қарашли Самарқанд шаҳри Усмон Носир кўчаси, 43-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Нурobod иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежидан 2019 йилда Магзимов Фаридбек Абдуназар ўғли номига берилган рўйхат рақами 92, К № 5586806 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Пайариқ туманидаги 69-ўрта мактабдан (ҳозирги Пайариқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабидан) 1994 йилда Абдуалимов Ҳайрулла Ҳалилович номига берилган АО № 007142 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

* * *

Самарқанд автомобилсозлик коллежидан 2017 йилда Ортиқов Умрзоқ Эркин ўғли номига берилган рўйхат рақами 810, К № 4677983 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## Темир УСМОНОВ



Устоз ва олим, педагогика фанлари номзоди, Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти физика кафедраси доценти Темир ҳожи Усмонов 81 ёшида вафот этди.

У 1940 йил, 25 майда Қўшработ туманининг Ғужимсой қишлоғида таваллуд топди. 1958 йил Қўшработ тумани марказидаги 74- ўрта мактабни аъло баҳоларга битирган ёш Темир шу йили Жомбойдаги уч ойлик тракторчилик курсини тамомлади. Сўнгра 1958-1961 йилларда Пайариқ туманининг собиқ Калинин номли колхозининг иккинчи бригадасида тракторчи бўлиб иш бошлади. Ўқишга бўлган иштиёқи уни Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқишга чорлади. 1961-1966 йилларда университетнинг физика факультетида энг фаол талабаси сифатида таҳсил олди. Ўқишни тугатгач, унга физика фани ўқитувчиси мутахассислиги берилди. 1966-1970 йиллар ҳозирги Деҳқонобод қишлоғидаги 45-мактабда физика ва астрономия фанларидан дарс берди. Иқтидорли физика фани ўқитувчиси устозлари томонидан 1970 йил январ ойида собиқ Самарқанд қишлоқ хўжалиги ҳозирги Самарқанд ветеринария институти физика кафедрасига ишга таклиф этилди. Ёш олим дарс бериш билан бирга Москва шаҳрида аспирантурада ўқиб, илмий ишлар олиб борди. 1984 йил 19 декабрда Члябнск давлат педогогика институти олий аттестация комиссияси қошида номзодлик диссертациясини ёқлади. Унга педагогика фанлари номзоди илмий даражаси берилди. Собиқ СССР давлат комитети қарори билан физика соҳасида олиб борган илмий ишлари учун 1992 йил январь ойида олимга физика кафедраси доценти унвони берилди.

Устоз олий ўқув юртида республикамиз, қўшни республикаларнинг ёш қишлоқ хўжалиги ходими мутахассисларини тайёрлашга самарали ҳисса қўшди. Меҳнатлари учун давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Оилада тўрт ўғил ва олти қизни муносиб равишда вояга етказди.

Отахон 77 нафар невара, чеварларнинг бобоси эди. Ажойиб устоз, олим, элнинг суюкли фарзанди Темир Усмоновнинг хотираси қалбларимизда абадий сақланади.

**БИР ГУРУҲ ДЎСТЛАРИ.**

Самарқанд давлат университети биология факультети жамоаси генетика ва биотехнология кафедраси ассистенти Гулжаҳон Ашуровага онаси

**Хосият АШУРОВА**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд шаҳридаги «Самарқанд қонунчилари» адвокатлар ҳайъати жамоаси ҳайъат адвокати

**Тиркаш ИСОҚОВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

# Инсоф бергани рост бўлсин!

## чекка қишлоқда яшовчи Эгамқул бобонинг мухбир йигитга берган интервьюси

- Мухбир болам, элимизда
Кўп янги гап бўлаётир.
Ҳатто бизнинг қишлоққа ҳам
Шамоллари келаётир.

Қизиқ бўлди тунов куни,
Кўчамизга одам тўлди.
Аловуддин чироғини
Ишқаганми, нима бўлди?

Шимарганча енгларини,
Ишга қаттиқ боғлаб белди –
Ҳовлимизга беш-ўн раҳбар
Эшик қоқиб кириб келди.

Вой-бў, бунча савлатдорлар
Атрофимни ўраяпти,
Бири олиб, бири қўйиб,
Аҳволимни сўраяпти.

Қизиқ бўлар экан, мени
Ўзларига тенг кўрса, денг.
Бири вазир, бири ҳоким:
“Бизга хизмат”, деб турса, денг.

Болам, бу каттаконларни
Тилвизўрда кўрар эдим.
Улар бизнинг ҳолимизни
Биларми, деб сўрар эдим.

Ахир, раҳбар деган одам
Кастумига сиғмасди-ку.
Йил-ўн икки ой салқингина
Кабинетдан чиқмасди-ку.

Ҳоким бува ҳукми – ҳукм,
Ёнига ҳам боролмасдик.
Дардимизни айтай десак,
Ҳузурига киролмасдик.

Энди эса, ҳайрон қолдим,
Олдимизга келаяпти.
“Маҳаллабай ишлаймиз”, деб,
Жонга оро кираяпти.

Ёқа ушлаб қолдим, шояд,
Улар келгани рост бўлсин.
Ҳокимлару вазирларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Яна бир кун белим оғриб
Турган эдим, бир иш бўлди.
Худди шу пайт билгандайин
Уч-тўрт врач кириб келди.

Ё, тавба-ей, булар қайдан
Оғриганим билди, дейман.
Ё халқ дардин билгич одам
Бошимизга келди, дейман.

Профессор экан бари,
На-ақ Тошкандан келишди.
Бола-бақра, ҳаммамизнинг
Соғлиғимиз текширишди.

Кўзимга ёш келди, болам,
Кўнгилларим эриб кетди.
Улар ҳатто сиҳатгоҳга
Йўлланма ҳам бериб кетди.

Табиб ўз оёғи билан
Ўзи келгани рост бўлсин.
Шифокору дўхтирларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Агар билсанг, бу дунёда
Бонкчи деган кас бўларди.
Иши тушиб борган одам
Олдида хор-хас бўларди.

Қарз олиб, мол-ҳол қилай, деб
Борсак қовоғин уярди.
Арзимаган уч-тўрт сўмга
Бир дунё шартин қўярди.

Энди эса бонкчи ўзи,
Қаранг, уйма-уй юрибди,
Мана лойиҳа, кредит,
Фақат ишланг, деб турибди.

Тадбиркор ҳам одамларнинг
Қам-кўстига қараяпти.
Ўзим бўлайин, демасдан,
Эл корига яраяпти.

Ана, бири боғча қурди,
Бири ишнинг кўзин билди –
Зўр фабрика ташкил қилиб,
Юз одамни ишли қилди.

Одамларга ёрдам қилиб,
Ҳаммани тенг кўрар бўлсанг,
Асли инсоф деганинг шул,
Агар мендан сўрар бўлсанг.

Одамларга ёрдам – элга
Кўмак, дегани рост бўлсин.
Тадбиркору бонкчиларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Яна гап кўп, айта берсам
То кечгача адо бўлмас.
Газетингда босиб чиқсанг,
Бу гапларим хато бўлмас.

Юртбошимиз бир келдию
Йўлга ҳам сон кириб қолди.
Сувлар келди, газлар келди,
Светга жон кириб қолди.

Стадион, кутубхона...
Обод қишлоқ бўлиб қолдик.
Шаҳардан ҳеч камимиз йўқ,
Кўнглимиз бут, тўлиб қолдик.

Мактаб қадди тикланётир,
Таълим ҳам шунга хос бўлсин.
Энди домла-маллимларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Уйли бўлди участкавой,
Маҳалламиз обод бўлди.
Раисимиз ҳокимларнинг
Майлисидан озод бўлди.



Эл оралаб юрар улар,
Хизмат иззатга мос бўлсин.
Оқсоқолу посбонларга
Инсоф бергани рост бўлсин.

Самад қўшним касал бўлиб,
Уйда ётиб қолган эди,
Кенжам қандай ўқитсам, деб,
Боши қотиб қолган эди.

Минг қиз билан Шарапат ҳам
Грантларга кириб кетди.
Контрактнинг ташвишидан
Қўшнимни қутқариб кетди.

Аёллару ёшларни деб
“Темир дафтар” тутиляпти.
Қанча одам ишли бўлиб,
Камбағалликдан қутуляпти.

Одамларнинг дуосини
Олай дегани рост бўлсин.
Сектор раҳбарларига
Инсоф бергани рост бўлсин.

Кеча лекин озроқ изза
Бўлиб қолдик, мухбир болам.
Ер ёрила қолмади-ю
Кириб кетолмадик биз ҳам.

ЭМ-ЧЕ-ЭСдан аскарлар кеп,
Ўтинимиз ёриб берди.
Сал бўлмаса, супра ёйиб,
Хамиримиз қориб берди.

Оппоқ сочли бир генерал
Деворимиз оқлай кетди.
Уялтириб ҳаммамизни,
Юрагимиз қоқлай кетди.

Ахир, уйда девдай ўғлим
Тилпон ўйнаб ётган эди.
Яна бири тилвизўрга
Қараганча қотган эди.

Туриб кетдик ўрнимиздан,
Хижолатдан ўлай дедик.
“Ўз кунингга ярамасанг,
Бу кунингдан ўл-эй”, дедик.

Ғафлат босмай, одамлар ҳам
Сал ғайратга тўлсин экан.
Давлат элим деса, эл ҳам
Шунга лойиқ бўлсин экан.

Ўғилларим бир гектардан
Ерни олиб иш бошлади.
Қизим тикувчилик очди,
“Тик-ток”иниям ташлади.

Эси кирди момонгниям,
Кўз юмиб у сериялга,
Неваралар тарбиясин
Қайта бошдан олди қўлга.

Ўзгарди шу жужуқларам,
Бири кашта тўқияпти.
Бири кампуйтер ўйнамай,
Навоийни ўқияпти.

Янги замон боласи-да,
Тарбиясиям соз бўлсин.
Момонггаям, болларгаям
Инсоф бергани рост бўлсин.

Шундай гаплар, мухбир болам,
Қизиқ ишлар бўлаётир.
Ҳатто бизнинг одамлар ҳам
Ўзгаришлар қилаётир.

Билсанг, асли ғурбат, ғийбат
Бекорчининг иши экан.
Энг тинч одам ким, десанг, бу
Ишлаётган киши экан.

Ҳар банданинг умид билан
Худо дегани рост бўлсин.
Одамларга ҳам диёнат,
Инсоф бергани рост бўлсин.

Сен-чи, болам, яқинингга
Йўлатмасдинг-ку ҳар кимни.
Мана, энди ўзинг келиб,
Эшитяпсан аҳволимни.

Мухбир деган элнинг дардин
Ёзсин-у, сўзи рост бўлсин.
Мухбир болам, ўзингга ҳам
Инсоф бергани рост бўлсин.

Қаранг, оддий халқ дардини
Ўйлайдиган бор экан-да.
Халқим деган жўмардларга
Халқ дуоси ёр экан-да.

Бўларкан-ку, қисқа вақтда
Шунча ишлар қилинди-ей.
Буни кўриб дўст-душманнинг
Тан бергани билинди-ей.

Унутмай энди инсофни,
Раҳбарлар халқ томон бўлсин.
Шу ишлар бошида турган,
Юртбошимиз омон бўлсин!

**Эгамқул бобонинг сўзларини мухбир Қурбон ЖОНҚОБИЛ оққа кўчирди.**

**Барот Амиров ҳаёт йўлига назар солсангиз, қатъият, аниқ мақсадни кўзлаган инсон, албатта, орзу-ниятларига эришишига амин бўласиз. Шубҳасиз, бунинг замирида билимга ташналик, машаққатли меҳнат, ҳар қандай қийин шароитда ҳам эртанги кунга – келажакка ишонч, эл-юртга меҳр-муҳаббат, садоқат билан хизмат қилиш мужассам.**

# Тўқсонинчи баҳор сурури

## халқ таълими аълочиси Барот АМИРОВ умр дафтаридан лавҳалар



Б.Амиров 1930 йилда Паст Дарғом туманидаги Катта Найманча қишлоғида туғилди. Ўша йиллардаги нотинчлик, оч-юпунлик тенгдошлари қатори ёш Баротни ҳам эрта улғайтирди. Болаларга хос бўлмаган оғир ишларни бажаришига қарамай, илм олишга меҳр қўйди, қўлидан китоб тушмади. Аввал қишлоғидаги 24-, кейин Жума шаҳридаги 21-ўрта мактабда ўқиб, 1949 йилда Самарқанд давлат университети биология-кимё факультетига ўқишга кирди.

Қўлига диплом олгач, педагогик фаолиятини бошлади: аввал 21-мактабда ўқитувчи, директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, кейинчалик 24-, 13-мактабларда директор бўлиб ишлади. Таълим-тарбия, ўқитиш, ўқитувчилар ташаббускорлигини йўлга қўйишда тажриба орттирди, обрў-эътибор қозонди. 1976 йилда уни туман халқ таълими бўлими мудирлигига тайинлашди. Ушбу масъулиятли лавозимда 10 йиллик фаолияти давомида раҳбарлик қобилияти янада яққол намоён бўлди. Мактаблар ўқув-моддий техник базаси янгиланди. Таълимда ўқитишнинг замонавий методлари жорий этилди. Мактабларни таъмирлаш, янгиларини қуриш, ўқитувчиларни рағбатлантириш, меҳнат шароитларини яхшилаш, таълимни амалиёт билан боғлаб олиб бориш учун билим даргоҳларида ўқув-тажриба участкалари, ҳунар устахоналари ташкил этилди. Фан олимпиадалари, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ўқувчилар кўрик-танловларида туман вилоятда олдинги ўринларга чиқди.

1985-2016 йилларда Барот Амиров 28-умумтаълим мактаби директори, туман халқ таълими бўлими услубчиси, фахрийлар уюшмаси раиси вазифаларида ишлади. Пенсияга чиққандан кейин ҳам жамоатчилик фаолиятини давом эттирди. Бир неча йил "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси Паст Дарғом тумани бўлими раиси сифатида фаоллик кўрсатди.

Ана шундай фидойиликлари учун бугун Б.Амировнинг кўксини “Шуҳрат” медали ва “Меҳнат шуҳрати” ордени, “Халқ таълими аълочиси” нишони безаб турибди.

Барот бобонинг яна бир фазилати - меҳнат фаолиятининг катта қисми раҳбарлик ва жамоат ишларида кечган бўлса-да, ижодий изланишдан тўхтагани йўқ. “Артишок - тўйимли озуқа”, “Илм чашмалари”, “Изтироб ва армонлар”, “Пахтадан келган шуҳрат ва оғир оқибатлар” каби китоблар ёзди.

Устоз оилада ҳам пиру бадавлат инсон. Ўғилтош ая билан тарбиялаган 8 нафар ўғил-қиз эл-юрт хизматига камарбаста.

- Турмушимиз тинч, фаровон, -дейди умрининг 90 баҳорини қарши олган отахон. - Айниқса, ёшларнинг таълим-тарбиясига катта эътибор берилаётгани биз, фахрийларнинг кўнглини тоғдек кўтаради.

Барот Амиров улуғ ёшда бўлишига қарамай, туман жамоат ишларида, тадбирларда фаол иштирок этиб келмоқда.

Биз табаррук отахонни қутлуғ ёши билан муборакбод этамиз, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

**Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.**

# Туркий оламнинг мислсиз хазинаси



**Маҳсулот қутисидаги ёзувга кўзим тушди: “Тошкент шаҳри Султон Али Машҳадий кўчаси...”. Хаёлларим чалғиб кетди. Султон Али Машҳадий, жуда таниш исм-шариф, қаерда ўқиган эканман-а? Ёки хориждаги бирор ватандошимизмикан?”. Шу йўсинда ён дафтарчамни варақлай бошладим. Яхши одатмикан ёки ёмон, билмадим, баъзида ўқиётган нарсамда бирор янги сўз, ифодага дуч келсам, дарҳол қайд қилиб қўйиш одатим бор.**

Топдим, кўп ўқиганман ва аввал ёд бўлиб, кейин хотирамдан ўчиб кетибди.

...2016 йил июль ойида ургутлик адабиётшунос муаллим, домла Сайид Имомхожа Салимий мен ўтирадиган хона (“Зарафшон” газетаси таҳририятининг иккинчи қаватдаги хатлар ва мурожаатлар бўлими)га хушкайфиятда кириб келди. Янги нашр этилган китобидан бир нусха туҳфа қилиб:

- 800 минг сўм пенсия пули оламан, ярмини рўзғорга ишлатаман, ярмини китобга сарфлайман, - деди домла. – Биласизми, бугун тилла топдим!

У киши муқоваси эскириб, варақлари сарғайиб кетган китобни қўлимга тутди:

- Кўчада бир кекса аёл эски буюмларни сотиб ўтирган экан, четида китоблар ҳам турибди. Синчиклаб қарасам, Алишер Навоийнинг 1958 йилда нашр этилган “Хамса” китоби, салкам минг бетдан иборат. Нашрга Порсохон Шамсиев тайёрлаган.

Домла ҳаяжон билан гапирар, ўзи тадқиқот олиб бораётган “Мажолис ун-нафоис” асарининг саккизинчи мажлисини Навоий ҳазратлари темурийларга, хусусан, Шоҳруҳ Мирзо, Гавҳаршодбегим ва Ҳусайн Бойқарога бағишлаганини айта туриб, “Энди докторлик ишимни якунлайман”, дея бошқача кайфият билан сўзларди.

Каттагина, анча оғир китобни оқ сурп рўмолдан ечиб олиб, қўлимга тутқазди. Ёзуви катта-катта, шарҳлари ҳам бор. Баъзи саҳифалари арабча ёзилган. Филология фанлари номзоди Порсохон Шамсиев китоб бошида нашр ҳақида ёзибди: “Биз “Хамса”ни нашрга тайёрлашда кўпдан буён ишлаётган достонларнинг танқидий матнларини асос қилиб олдик. Шу билан бирга, танқидий матнларнинг асоси бўлган Абдужамил Котиб ва Султонали Машҳадий нусхаларидан ҳамда XVI асрнинг яна бир нодир нусхасидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилдик”.

Мулоҳазаларим шуки, Порсохон Шамсиев 52 минг мисралик, 853 саҳифалик “Хамса”ни танқидий матнлар, тарихий нусхалар асосида нашрга тайёрлаган. Порсохон домла бу китобнинг ҳар сўзига кўз нури, қалб қўрини тўккан.

- Порсохон Шамсиев Алишер Навоийнинг 15 томлиги учун “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Муншаот”, “Вақфия”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” ва яна бир неча асарлари ҳамда мана бу “Хамса”ни, беш достондан иборат муқаддас китобни нашрга тайёрлаган олим, - деганди ўшанда Имомхожа Салимий домла. - Россиянинг Қозон давлат университети Қўлёзмалар фондида сақланаётган, 1568 йилда Ҳиротда Абдулжамил Котиб томонидан кўчирилган “Илк девони”ни ҳам Порсохон домла аниқлаган ва илмий тавсифини берган. Олим 1487-1488 йилларда Ҳиротда Навоийнинг иккинчи расмий девони “Наводир ун-ниҳоя” асарининг қадимги нусхасини топган ва уни Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган шу девон қўлёзмаси билан қиёслаб, асосий тафовутларни қайд қилиб чиққан.

“Хамса” китоблари туркий дунёнинг мислсиз хазинаси. Уларни таржима қилиб шарҳ ёзган, нашрга тайёрлаган инсонларнинг ҳам номи улуғ.

**Убай ҚОДИР, журналист.**



# Каттақўрғон театрида болалар учун спектакль

**Каттақўрғон шаҳар драма театрида таниқли рус драматурги Иван Чернишевнинг пьесаси асосида режиссёр Феруз Абдураимов томонидан саҳналаштирилган “Супер қуён” эртак комедияси жамоатчилик кўригига тақдим этилди.**

Болажонлар учун мўлжалланган мазкур спектакль Россиянинг кўплаб театрларида намойиш этилган. Ёш режиссёрнинг ижодий иши ўзининг декорацияси, актёрларнинг бетакрор ижроси билан ҳам ўз ечимига эга.

“Супер қуён” бўри ва тулкини тарбиялаш орқали ёш томошабинларга ҳам қинғирлик ва хатоларни ўз вақтида тўғрилаш орқали эзгуликка етиш мумкинлигини кўрсатиб беради.

**Насиба ЖОНТЎРАЕВА.**

«««« Биласизми? »»»»

# Ўзбекистонга афғон рубобини бухороликлар олиб келганми?



Афғон рубоби Бухоро ва Самарқандда кенг тарқалган. Бу чолғу асбобининг афзаллик жиҳати шундаки, унда ижро этиладиган мусиқа оҳанги ўзига хос янграйди, жозиба касб этади. Унда барча қардош халқ куйларини ҳам моҳирона ижро этиш мумкин. Ўзбекистонга ҳам бу чолғу асбобини бухоролик созандалар олиб келишган, деган гап бор. Шу боисдан афғон рубобини Бухоро рубоби деб айтишади.

Самарқанд давлат музей қўриқхонасида миллий мусиқа асбоблари орасида XIX аср охири, XX аср бошларига тааллуқли бўлган афғон рубоби намуналари ҳам сақланади.

**Д.МАВЛОНОВА,**
**Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи санъат бўлими илмий ходими.**

## ШУ ОЙДА ТАВАЛЛУД ТОПГАНЛАР

**17 ФЕВРАЛЬ**

**Акмал ОРТИҚОВ** – 1935 йилда Каттақўрғон туманида туғилган. Физика-математика фанлари доктори.

**Актам ХОЛМАНОВ** – 1964 йилда Паст Дарғом тумани Бурганли қишлоғида туғилган. Физика-математика фанлари доктори, профессор.

**20 ФЕВРАЛЬ**

**Норқул МАМАНОВ** – 1947 йилда Тойлоқ туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси.

**22 ФЕВРАЛЬ**

**Азим СУЮН** – (1948-2020) Пайариқ тумани Накурт қишлоғида туғилган. Шоир. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.




## Мустақиллик йиллари Самарқандда

**1996 йил, апрель**

Самарқанд давлат чет тиллар институтида корейс маданият ва тараққиёт маркази очилди.

**май**

Ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Туркия Президенти Сулаймон Демирэл Ислом Каримов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

Вилоятда ғалла ўримига 8927 та комбайн тайёрланди.

**июнь**

Тойлоқ туманида янги автобус саройи ташкил этилди ва йўловчиларга 50 та автобус хизмат кўрсата бошлади.

Японияниг қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчилик бўйича молия корпорацияси раиси ўринбосари Тадао Чино Республика Бош вазири ўринбосари Б.Ҳамидов ҳамроҳлигида Самарқандга келди.

14 июнь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Жак де Ларозьер бошчилигидаги ишбилармонлар делегацияси Самарқандда бўлди.

19 июнь куни вилоят ҳокими А.Мардиев қарорига кўра Шавкат Умаров вилоят ҳокимининг саноат, савдо ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари этиб тайинланди.

**июль**

11 июлда вилоят дон хирмони 155 минг 464 тоннага етди.

Самарқанддаги “Кирквут Энт Бразерс” Исроил-Ўзбекистон қўшма корхонаси “Кетчуп”, яъни витаминларга бой томат соуси ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

**август**

Австралиянинг “Вестерн майнинг корпорейшн” компанияси бошқарувчи директори Хью Марген раҳбарлигидаги делегация Қўшработга келди.

Вилоятдаги 14 дан 35 ёшгача бўлган ёшлар – 744065 нафар;
шу жумладан, олий ўқув юрти талабалари – 20635 нафар;
мактаб ўқувчилари (14-16 ёш) – 106 минг 50 нафар;
10-14 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари – 186039 нафар;
ўрта махсус ўқув юртлари талабалари – 11879 нафар;
ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари – 13642 нафар;
коллеж, лицей ва бизнес мактаби ўқувчилари – 18475 нафар;
илм билан машғул ёшлар – 1863 нафар;
ишлайдиган ёшлар сони – 399329 нафар;
шу жумладан, хизматчилар – 24105 нафар;
ишчи ёшлар сони – 117433 нафар.

Zarafshon
САМАРКАНДСКИЙ ВЕСТНИК

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самаркандский вестник» gazetalari tahririyati mas’uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV

Gazeta O‘zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro‘yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 19 507 nusxada chop etildi. Buyurtma 117

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.



Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E’LONLAR: (66) 233-91-56
BO‘LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61

MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug‘ Tursunov ko‘chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo‘limida sahifalandi. «Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy. Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da. Bosishga topshirildi: soat 19:00

Navbatchi muharrir: G‘.HASANOV.
Navbatchi: T.SIDDIQOV.
Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.

Sotuvda narxi kelishilgan holda

ISSN-201667X